

Савол: Бир ўртогим кесак ейишини, шусиз ёмон ахволга тушиб колаётганини гапирди, мен уни бу ишдан кайтардим. «Инсон тупрокдан яралган, шунинг учун Исломда кесак ейиш харомдир», дедим. Мен тўгри килдимми? Балки ўртогим тиббий жихатдан bemorligi туфайли шунга эҳтиёж сезаётгандир?

**Жавоб:** Инсон озука ё даво сифатида истеъмол киладиган барча нарса унинг рухи ва жисмига таъсир этиши мукаррар. Шунинг учун хам Ислом ёб-ичиш масаласига жиддий эътибор беради. Ислом халкум поклигини, халол ёб, халол касб этишни инсонга энг улуг фарз этиб, жисм ва рухга зарар берувчи барча нарса истеъмолини харом деб эълон этган. Тоха сурасининг 81-оятида шундай дейилади:

**«Сизларни баҳраманд**

**килган пок ризкларимиздан енглар ва уларга**

(шукр килмаслик билан)

**хаддан ошмангларки, у холда устингизга Менинг газабим тушар. Менинг газабим кимнинг устига тушар экан, у мухаккак халок бўлур».**

Мужтахид уламоларимиз тупрок ейишни ман килганлар.

«Жунг» китобида «Тутун (чекиш) тупрок ейиш каби харом», дейилса, «Фатовои Козихон» асарида «Тупрок ейиш карихдир. Зоро, унинг истеъмоли зааралидир. Заарали нарсани истеъмол килувчи ўзининг котилидир», дейилади. Шунингдек, «Мажмуъ-ул фатово» ва «Фатовои Сирожийя»ларда хам тупрок ейиш ножоизлиги таъкидланган. Демак, тупрок ейишнинг ножоизлиги сабаби унинг инсон жисмига зааридир.

Шаръан харом нарсалар истеъмолининг, жумладан, тупрок ейишнинг тиббий зарурати бўлса, буни факат хозик табиблар тавсия килганларида ва шунда хам унинг эвази бўлмаса, шаръан жоиз, дейилади. Пайгамбаримиз (с.а.в.) марҳамат киладилар: «Аллоҳ таоло дардларингиз шифосини сизларга харом килган нарсаларда килмаган».

Сиз ўртогингизни тупрок ейишдан кайтариш билан динимиз асосларидан бирига – нахий мункарга амал килиш даражасига ноил бўлгансиз.

